



ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИГА БАҒИШЛАНГАН НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Муфтайдинов Мансур Қиёмидинович

Анджон Машинасозлик институти таянч докторанти. Ўзбекистон.

mmuftaydinov1980@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a16

Аннотация

Мақолада озиқ-овқат саноати корхоналарининг иқтисодий механизмига бағишланган назарий қарашлар ўрганилган. Шунингдек, озиқ-овқат саноати корхонасининг ташкилий-иқтисодий механизмнинг амал қилиши самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланган. Бу таъсир этувчи омиллар назарий моҳияти ўрганилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, автоматизациялаш, ташкилий-иқтисодий механизми, молия-кредит механизми, иқтисодий муносабатлар механизми.

Аннотация

В статье рассматриваются теоретические взгляды на экономический механизм предприятий пищевой промышленности. Также определены факторы, влияющие на эффективность реализации организационно-экономического механизма предприятия пищевой промышленности. Изучена теоретическая сущность этих влияющих факторов.

Ключевые слова: пищевая промышленность, сельскохозяйственная продукция, автоматизация, организационно-экономический механизм, финансово-кредитный механизм, механизм экономических отношений.

Abstract

The article examines theoretical views on the economic mechanism of food industry enterprises. Also, the factors affecting the effectiveness of the implementation of the organizational and economic mechanism of the food industry enterprise have been identified. The theoretical essence of these influencing factors has been studied.

Key words: food industry, agricultural products, automation, organizational-economic mechanism, finance-credit mechanism, mechanism of economic relations.

Кириш

Озиқ-овқат саноати корхоналари хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва уни юритиш жараёнларини иқтисодий механизми корхонанинг ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, корхонанинг инновацион фаоллигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлаштириш масалаларини ҳал қилиниши учун замин яратади. Иқтисодий механизмни ташкил этувчи компонентлар озиқ-овқат саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичлари ва бўғинлари

ўртасидаги ўзаро кооперациялашуви ҳамда интеграциялашуви жараёнларининг кучайишига олиб келади.

Шунинг учун янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлар ҳажми 7,4 млн тоннага, қайта ишлаш даражаси сўт бўйича 32 фоиз, гўшт–25 фоиз, мева-сабзавот – 28 фоизга етказиш режалаштирилган [1]. Айрим иқтисодчи олимлар томонидан озиқ-овқат саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилган тадқиқотларида ушбу соҳани ривожлантириш заруриятини асослашда унинг мамлакатдаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрнига баҳо берилган. Аҳоли томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиниши ҳар қандай жамиятнинг устувор ҳаёти эҳтиёжи бўлганлиги сабабли ҳар бир мамлакатда аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш устувор аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида жаҳоннинг исталган мамлакатларида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш заруриятини уйғотади[17].

Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш нафақат мамлакатлар миллий иқтисодиёти даражасида, балки глобал даражада устувор аҳамият касб этишидан далолат беради. Бу эса озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда унинг бошқа саноат тармоқларидан фарқли жиҳатларини тадқиқ этиш заруриятини уйғотади. Иқтисодий адабиётда озиқ-овқат саноатининг бошқа саноат тармоқларига нисбатан қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ажратиб кўрсатилган:

-аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятини яратади[7];

-озиқ-овқат саноати корхоналарининг хўжалик фаолияти самарадорлиги қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, соҳада инновацион технологиялар қўлланилишига қарамай, табиий-иқлимий ва биологик жараёнларнинг кескинлашуви шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг пасайиб кетиши натижасида озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳам пасайишига олиб келади[11];

-озиқ-овқат саноати бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан бошлаб то истеъмолчига етиб келгунга қадар бўлган айрим босқичларга (қайта ишлаш, қадоқлаш, ярим тайёр истемол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ҳ.к.) илм-фан ютуқларини жорий этилиши, жумладан, уларнинг автоматизациялашганлиги натижасида шаклланган ва ривожланиб келмоқда[15].

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги мавсумийлик хусусиятини озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини ривожлантириш орқали аҳоли истеъмолига салбий таъсирини, жумладан, нархларнинг ошиб кетишини олдини олиш имкониятларини яратади[13].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

М.Л.Вартанова “озиқ-овқат саноати корхонаси ташкилий-иқтисодий механизмнинг яхлитлиги [10] – бунда озиқ-овқат саноати корхонаси хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва унинг юритишнинг ҳам ташкилий ҳам иқтисодий механизмлари ўзаро алоқадорликда ва боғлиқликда бўлиши назарда тутилади” деган фикрни билдирган.

Н.А.Будников, С.А.Жеребцова, С.П.Сальниковлар ўзларининг тадқиқотларида “озиқ-овқат саноати тармоғида хўжалик фаолияти юритувчи корхоналарнинг

мулкчилик шакллари ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларининг турли хиллиги [9] кўрсатиб ўтилган.

Т.Н.Иващенко эса “анъанавий ва ноанъанавий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш” [14] – бунда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича илм-фан соҳасидаги ютуқлардан, жумладан, физик-кимёвий, биотехник усуллар ва жараёнлардан кенг фойдаланиш лозимлиги таъкидланган.

С.П.Тиммер ўзининг илмий қарашларида “ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг барқарорлиги” [6] масалаларини ўрганган.

К.Пяткова, А.С.Чен, Д.Бутлер, З.Вижиник, С.Джоржевиклар “озиқ-овқат маҳсулотларини тизимли равишда ишлаб чиқариш тамойили” [4]ни ўрганганлар.

А.Аияр, П.Л.Пингалилар асосий эътиборни “ресурс таъминоти ва ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги” [2] га қаратганлар.

Ўзбекистонлик олимлардан И.Ю.Умаров ўзининг илмий мақоласида “Ташкилий - иқтисодий бошқарув механизмини баҳолаш учун биз фақат бизнесжараёнларини сифатини баҳолаймиз, чунки ушбу жараёнлар корхоналарни бошқариш тизими боғлиқ бўлади. Корхонани бошқариш механизмини таҳлил қилиш жараёнида баҳолашни олиб борувчи эксперт асосий бошқарув жараёнларини мустақил равишда белгилайди” [18]деб таъкидлаган.

Дехконова Н.С. ўзининг тадқиқотида “Озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ривожлантириш жараёнларини прогнозлаштириш моделларини ўрганган” [19].

Каримов М.А. ўзининг илмий тадқиқотида асосан озиқ-овқат саноати корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратган [20].

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада тизимли ва мантиқий таҳлил, қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилди. Хусусан, озиқ-овқат саноати корхоналари иқтисодий механизми борасида иқтисодчи олимлар фикри ўрганилди ва уларнинг илмий қарашлари тизимли ва мантиқий таҳлили олиб борилди ва 1-расм орқали тақдим этилди. Назарий маълумотлар умумийликдан ҳусусийликка қараб тизимлаштирилди.

Таҳлил ва натижалар

Озиқ-овқат саноати корхоналарининг фаолиятини ташкил этиш ва уни юритишнинг ташкилий-иқтисодий механизми таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин бўлади: Ташкилий механизм таркиби:


- ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар;
- ташкилий-ҳуқуқий таркиб;
- корхонада ёлланма ишчиларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этиш;
- корхонанинг хўжалик юритиш фаолиятини назорат қилиш;
- озиқ-овқат саноати корхоналари маркетинги ва ҳ.к.

Иқтисодий механизм таркиби:

- корхонанинг иқтисодий фаолиятини режалаштириш;
- молия-кредит механизми – корхонанинг молиявий фаолияти натижаларини ўзида акс эттиради;
- иқтисодий муносабатлар механизми;

- моддий рафбатлантириш;
- суғурта тизимива ҳ.к. [16]

Озиқ-овқат саноати корхоналарини ташкилий-иқтисодий механизмини амал қилинишидан кўзланган пировард мақсад корхона, жумладан озиқ-овқат саноати тармоғи ривожланишини барқарорлигига эришиш ҳисобланади. Бунда озиқ-овқат саноати корхоналарини барқарор ривожланишини таъминлашга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни тизимли равишда ўзаро боғлиқлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади (1-расмга қаранг).



1-расм. Озиқ-овқат саноати корхонаси ташкилий-иқтисодий механизмини амал қилиши¹

Шу билан биргаликда иқтисодий адабиётда озиқ-овқат саноати корхоналарини ташкилий-иқтисодий механизмини самарали амал қилиниши учун бир қанча тамойилларга асосланиши лозимлиги таъкидланган. Ушбу тамойилларни қуйидаги беш гуруҳга ажратиб ўрганилган:

Биринчи гуруҳи, озиқ-овқат саноати корхонасида хўжалик фаолиятини ташкил этишни ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш тамойиллари:

-озиқ-овқат саноати тармоғи ва уни таркибига кирувчи корхоналар фаолиятини ривожлантириш асосида стратегик мақсадларни мутлоқ устуворлиги[12]. Мазкур тамойил озиқ-овқат саноати тармоғини ривожлантириш бўйича мамлакатларда қабул қилинаётган стратегик режалар асосида амалга оширилади. Яъни белгиланган стратегик мақсадларга ўз вақтда эришиш лозим;

-озиқ-овқат саноати корхонаси фаолиятини ривожлантиришни стратегик мақсад ва вазифаларини иерархик тузилиши[3]. Ушбу тамойил нафақат озиқ-овқат саноати корхонаси, балки, яхлит тармоқ миқёсида ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни устуворлиги ва бажарилиши муддатларидан келиб чиққан ҳолда иерархик шаклда тузилиши, уларни белгиланган муддатларда бажарилиши учун замин яратилишини билдиради;

-озиқ-овқат саноати тармоғи, жумладан корхоналар фаолиятини ривожлантириш, кенгайтириш, ахборотларни жамлаш ва трансформация-лашга мойиллик

тамойили[5]. Мазкур тамойилда мамлакат иқтисодиётида инновацион ривожланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш, ахборотлар алмашинувини жадаллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларга мос равишда озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини такомиллаштириш тушунилади;

-озиқ-овқат саноати корхоналарида тармоқлараро ва тармоқ ичидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни, шу билан биргаликда, нарх, солиқ, пул-кредит, ташқи иқтисодий фаолият бўйича белгиланган тарифлар каби иқтисодий дастаклар билан давлат томонидан озиқ-овқат саноати тармоғини тартибга солиш тамойили[7]. Бунда бозор иқтисодиёти шароитида озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантиришда давлат томонидан амалга ошириладиган ислохотлар, улар учун яратилаётган шарт-шароитлар, сифатли ва арзон нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш каби давлат дастурларини изчил, тизимли равишда амалга ошириш лозимлиги тушунилади;

Иккинчи гуруҳ озиқ-овқат саноати корхоналарини инновацион салоҳиятини ошириш соҳасида амал қилаётган тамойиллар:

-ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тамойили[14]. Бунда озиқ-овқат саноати корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларига технологик инновацияларни, жумладан, ресурсни тежовчи, хавсиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини интенсификация омилини ҳисобга ортиши кўзда тутилади;

-озиқ-овқат саноати корхоналарини инновацион фаоллиги тамойили[5]. Ушбу тамойил озиқ-овқат саноати корхоналарини инновацион фаолиятини ривожлантириш, уни самарадорлигини ошириш заруриятини англатади.

Учинчи гуруҳга озиқ-овқат саноати корхонасини моддий-техник базасини шакллантиришга оид бўлган тамойиллар:

-озиқ-овқат саноати корхонасини капитал таркибидаги асосий фондлар улушини ошириш тизимлилиги тамойили [5]. Бу тамойилда жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви шароитида озиқ-овқат саноати корхоналари хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишда арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқаришни автоматизациялаш, рақамлаштириш зарурияти ҳисобга олинган. Бунда озиқ-овқат саноати корхоналари мунтазам равишда ишлаб чиқаришни модернизациялаши ва диверсификациялаши учун янги турдаги ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олишлари корхона капитали таркибида асосий фондлар улушини оширишга замин яратади.

-озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича техник даражаси кўрсаткичларини ошириш тамойили[5]. Бу тамойилузоқ йиллар мобайнида жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни мунтазам ошиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда, озиқ-овқат саноати корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини мунтазам ошириш учун тегишли шарт-шароитни яратишни назарда тутилади.

Тўртинчи гуруҳ тамойилига озиқ-овқат саноати корхоналарида интеграцион ва кооперацион жараёнларни жадаллаштириш билан боғлиқ бўлгани киритилган:

-озиқ-овқат маҳсулотларини тизимли равишда ишлаб чиқариш тамойили[4]. Бунда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ташиш ва сақлаш бўйича хизмат

кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ўзидagina;

-амалдаги қонунчиликни озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда интеграцион ва кооперацион жараёнларига мослаштириш тамойили[9]. Таҳлилларга кўра, бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат саноатини интеграцион ҳамда кооперацион жараённи ривожланишдаражасипасайган.

Бешинчи гуруҳга озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан боғлиқ бўлган тамойиллар киритилган:

-ресурс таъминоти ва ишлаб чиқаришни узлуксизлиги[2]. Бунда қишлоқ хўжалиги учун хос бўлган мавсумийлик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узоқ муддат сақлаш имконияти мавжуд эмаслиги каби хусусиятлардан келиб чиқади. Бу турдаги омилларни озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини пасаймаслиги учун етарли шарт-шароитларни яратиш назарда тутилган.

-озиқ-овқат маҳсулотлари нархини барқарорлиги [6]. Бу тамойил мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари нархини кескин ортиши натижада бу турдаги маҳсулотларга бўлган талаб ҳажмини қондириш кўзда тутилади.



2-расм. Озиқ-овқат саноати корхонасини ташкилий-иқтисодий механизмини амал қилиши самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар²

Юқорида келтирилган тартибда озиқ-овқат саноати корхоналарини ташкилий-иқтисодий механизмини амал қилиш тамойиллари турли гуруҳларга ажратиш орқали уни самарадорлигига таъсир этувчи (2-расмга қаранг) омиллар аниқланган. Бу турдаги ёндашув асосида озиқ-овқат саноати корхоналарини ташкилий-иқтисодий механизмини амал қилиш тамойилларини гуруҳланиши асосида уни самарадорликка таъсир кўрсатувчи омилларини ташқи ва ички таъсир доиралари асосида ишлаб чиқариш зарҳираларини аниқлаш ёндашуви амалга оширилган. Бу орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин бўлади:

-озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш ресурс базасини яратиш билан ўзаро боғлиқ ҳолда озиқ-овқат саноати корхонасини барқарор ривожлантиришни устувор элементларини тизимли таҳлил қилиш;

-озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишда фермер ва дехқон хўжаликлари, таъминотчилар, озиқ-овқат саноати корхоналари каби соҳалар ўртасида интеграцион жараёнларни жадаллаштириш йўналишларини аниқлаш;

-оziq-ovqat sanoati korxonalarida mahsulot ishlab chiqarishni zamonaviy innovatsion texnika-texnologiya orqali takomillashi ustuvor iynalishlarni belgilash;

-оziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishda inson omili rolini aniqlash.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосага келдик:

-оziq-ovqat sanoati korxonalarini tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini amal qilinishidan kuzlangan pirovard maqsad korxona, jumladan oziq-ovqat sanoati tarmoni rivojlaniшини барқарорлигига эришиш ҳисобланади. Бунда оziq-ovqat sanoati korxonalarini барқарор ривожланишини таъминлашга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни тизимли равишда ўзаро боғлиқлигини таъминлаш зарур;

-оziq-ovqat sanoati korxonalarini tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini samarali amal qilishda bir qancha tamoyillarга асосланиши лозимлиги таъкидланган;

-оziq-ovqat mahsulotini ishlab chiqarish resurs bazasini yaratish bilan ўзаро боғлиқ ҳолда оziq-ovqat sanoati korxonasini барқарор ривожлантиришни устувор элементларини тизимли таҳлил қилиш зарур;

-кейинги йилларда мамлакатимиз оziq-ovqat sanoati korxonalarining tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini shakllantirish orqali ularning xujalik faoliyati samaradorligini oshirish bilan birgalikda aholini arzon va sifatli oziq-ovqat mahsulotlari bilan taъminlash imkoniyatlarini yanaда kengaytirish зарур;

-оziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish bilan boғliq bۇlgan tashkiliy-iqtisodiy jaraёнlarni boshqarish va tartibга солиш ҳолатига баҳо бериш орқали уни ривожлантириш iynalishlarini aniqlash;

-оziq-ovqat sanoati korxonalarini барқарор ривожланишига таъсир кўрсатувчи иqtisodiy mexanizmга баҳо бериш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 28.01.2022 й. <https://lex.uz/docs/5841063>

2. Aiyar A., Pingali P.L. 2020. Pandemics and food Systems – towards a proactive food safety approach to disease prevention and management. Foodsecurity, 12 (4). pp. 749-756

3. Bene C. 2020. Resilience of local food systems and links to food security – A review of some important concepts in the context of Covid-19 and other shocks. Food Security, 12 (4). pp. 805-822

4. Pyatkova K., Chen A.S., Butler D., Vijinic Z., Djordjevic S. 2019. Assessing the knock-on effects of flooding road transportation. Journal of Environmental Management, 224. pp. 48-60

5. Reardon T. Echeverria R., Berdegue J.A., Minten B., Liverpool-Tasie S., Tschirley D., Zilberman D. 2019. Rapid Transformation of food system in developing regions: Highlighting the role of agriculture research and innovations. AgriculturalSystems, 172. pp. 47-59

6. Timmer C.P. 2000. The macro dimensions of food security: economic growth, equitable distribution, and food price stability. Food Policy, 25 (3). pp. 283-295

7. Бабков Г.А. Сущность и структурные элементы АПК // УЭКС. 2011. № 33. [Электронный ресурс]. 31 с. Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/n/suschnost-i-strukturnye-elementy-apk>
8. Баташева М.А., Баташева А.Э. Сельскохозяйственные организации как социально-экономические системы // Научный журнал. 2016. № 2(13). с. 50-51,
9. Будников Н.А., Жеребцова С.А., Сальников С.П. Понятие и отличительные особенности деятельности сельхозхозяйственных организаций: правовой аспект // Юридическая наука: история и современность. 2015. № 11. с. 98-105
10. Вартанова М.Л. Продовольственная безопасность страны и пути выхода из мирового продовольственного кризиса: Монография. – Москва, Библио-Глобус, 2016. с. 15-16
11. Донченко А.С., Новоселов Ю.А. Кластеры в АПК: сущность, проблемы формирования и функционирования // Сибирский вестник сельскохозяйственной науки. 2017. № 11-12. с. 91-97.
12. Дохолян С.В., Вартанова М.Л. Обеспечение эффективности функционирования продовольственного рынка региона в условиях конкурентной среды. // Российское предпринимательство. – 2016. – Т. 17. – с. 2153-2178
13. Дьячкова С.П., Кондратьева Н.Н., Касаткин В.В. Теоретические аспекты развития агропромышленного комплекса. Вестник НГИЭИ. 2019. № 6 (97). с. 86-95
14. Иващенко Т.Н., Эффективности деятельности сельскохозяйственных предприятий различных организационно-правовых форм. // ФестникОрелГАУ. 2009. № 5. с. 10-13
15. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. М.: Издательство Юрайт, 2019. 406 с.
16. Сейкимбаева Б.К. Мусуралиева Д.Т. Теоретические основы развития экономических механизмов пищевой перерабатывающей промышленности. Economics / “Colloquium-Journal” № 2 (26), 2019. с. 59-61.
17. Чекавинский А.Н., Селименков Р.Ю. Моделирование продовольственной безопасности региона // Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. 2014. № 4 (34). с. 226-235
18. Умаров И.Ю. Озиқ-овқатсаноатикорхоналари бошқарувини ташкилий-иқтисодий механизмини баҳолаш услубиёти. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali, DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a25, 2022. №3, май-июн (№00059), -Б. 229-238.
19. Dexkanova, N. (2021). Озиқ-овқатсаноатикорхоналарини самарали ривожлантириш жараёнида прогнозлаштириш модели. // *Iqtisodiyot va Innovatsion Texnologiyalar*, (5), 202–209. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12154
20. Каримов М.А. Озиқ-овқат саноати корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми. // «Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar» журналі, 2021. №2, -Б.94-100.